

Фидойилик, жонқуярлик

маҳалла фаолларининг пировард мақсадидир

(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

Бу, шубҳасиз, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг халқ ишончли қозонган адолат маскани ҳамда жамиятимизда ислохотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи сифатидаги ролини янада оширишга хизмат қилади.

Айни пайтда вилоятда 833 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, улар аҳолининг суянчига айланди, десак, муболага бўлмайди. Сабаби, маҳаллаларнинг бевосита иштироки билан аҳоли тураржойларини ободонлаштириш, маъшій хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, намунавий лойиҳа-лар асосида янги тураржойлар барпо этиш, оилавий бизнесни изчил йўлга қўйиш ишлари ривож топмоқда. Айниқса, вилоятнинг энг чекка туманларидаги қишлоқларда қурилатган замонавий, кўркам уйлар киши кўзини қувонтиради. Биргина ўтган йилда 675 та яна шундай тураржой қурилиб, эгаларига топширилди. Бу эса аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилди, албатта.

Манзура Жўраева, Асака туманидаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Давлатимиз раҳбарининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони гайратимизга гайрат қўлди. Бу рағбат, шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига кўрсатилган юксак ғамхўрлик намунаси.

Айтиш жоизки, вилоятимизда 866 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, ҳар бирида аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил олиб борилмоқда. Хусусан, маҳалланинг оқолиш шаклини сақлаш, унда тотувлик ва барқарорликни таъминлаш, ёшларимизни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш соҳа ходимлари ҳаётининг ажралмас қисмига айланган.

Бинобарин, кўрсатилган юксак эътибор ҳар бир маҳалла фаолини ўз устида тинимсиз ишлаш, бугунги шиддатли замондан орта қўламлиликка ундайди. Шунга мос равишда маҳалламизда ўз бизнесини бошлаётган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур тавсиялар беришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Қолаверса, маҳалламиз ёшларини миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат,

Ватанга муҳаббат, истиқлолимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шиори остидаги "Менинг маҳаллам тарихи" кўрик-танловининг республика босқичида фахрли ўринни эгаллади. Президентимиз Фармонидан сўнг бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз қўламини янада кенгайтираемиз.

Гулчехра УСМОНОВА, Пахтакор туманидаги "Самарқанд" қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Мазкур Фармони фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ёшларни маънавий етуқ қилиб тарбиялаш, оилалар мустаҳкамлиги, халқимиз тотувлигини таъминлаш борасидаги меҳнатларига берилган алоҳида эътибор ва катта муқофот, деб биламан.

Фуқаролар йиғинимизда 12 миллат вакилларида иборат 6875 нафар аҳоли ҳамжихатлиқда яшамокда. Маҳалламизда фермерлик, тadbиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, шу орқали ҳар бирининг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш масалалари доимий эътиборимизда.

Умуман, эришяётган ижобий натижаларимиз мамлакатимизда оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган кенг қўламли ишлар самарасидир. Шу маънода, Президентимиз Фармони бизни юртимиз тараққиётига муносиб улуш қўшишдек шарафли ва масъулиятли вазифамизни сидқидилдан адо этишга руҳлантиради.

Исматулло ШАРОПОВ, Кармана туманидаги Алишер Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси раҳбари:

— Мен ўз касбимдан фахрланаман. Сабаби, маҳалланинг тинчлигини асраш, аҳолининг оқолишга ҳаёт кечиришини таъминлаш шарафли бурчдир. Президентимизнинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида биз учун энг яхши тўхфа бўлди.

Бу эътибор барчамизга чексиз қувонч бахш этиши баробарида, зиммамиздаги шарафли масъулиятни янада оширади.



Тошкент – энг гўзал шаҳар

(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Тошкент қиёфаси бутунлай ўзгарди. Шаҳардаги тарихий обидалар ва ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш, замонавий бинолар қуриш, худуднинг ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олимпимиз Тошкентнинг бой ва бетакдор тарихини асл

ҳолича ўрганиш, инсоният цивилизацияси ривожидидаги ўрни ва аҳамиятини чуқур тадқиқ этиш мақсадида кенг қўламли изланишлар олиб бормоқдалар. Жумладан, 2008 йилда пойтахтимизда "Тошкент тарихи — ёзма ва археологик манбаларда" мавзуда ўтказилган илмий-амалий анжуман бунга мисол бўлади.

Бетакдор шахримизнинг миллий давлатчилигимиз тарихи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳамда

аҳамияти ҳам бекиёсдир. Қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази ва дўстлик рамзи бўлиб келган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи ҳам пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонланди.

Муаззам Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган ишлар, пойтахтимизнинг йил сайн ўзгариб, гўзаллашиб бораётгани ҳар бир ватандошимизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлай-

ди. Айниқса, Мустақиллик майдонида бўлган киши истиқлолнинг шуқуҳини, юртимизнинг куч-қудратини, Ватан туйғусини теран ҳис этади. Бу масканининг улғуворлигидан, ундаги фаввораларнинг жўшқинлигидан, осмонимиз мусаффолигидан беихтиёр тўлқинланасиз. Эзулик аркаси, Мустақиллик ва эзулик монументи, Хотира майдони юртимизнинг ўтмиши, бугунги қуни ва порлоқ истиқболини ўзида акс эттиргани билан айрича маҳобат касб этади.

Бугун гўзал шахримизнинг дунё микросидаги обрў-эътибори тобора юксалиб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришга бекиёс таъсир кўрсатмоқда.

"Дунёдаги энг гўзал шаҳарлар" рўйхати ҳолислик ва ҳаққонийлик асосида тузилганлиги мутахассис ва экспертлар томонидан алоҳида таъкидланмоқда. Демак, азим Тошкент янада чирой очиб, гўзаллашиб бораверади. Зотан, беш кентимиз — буюк келажак сари дадил бораётган серкўёш мамлакатнинг уриб турган юраги, жонажон пойтахтидир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, Хасан ПАЙДОВ олган суратлар.



(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

Республикамизда "Artel" савдо белгиси остида "ARTLCD" СКД (суюқ кристалли дисплей) телевизорлар ишлаб чиқариш тармоғи ишга туширилиши бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Шу муносабат билан кеча пойтахтимизда тақдир маросими ташкил

Хозир 726 серияли, диагонали 81 ва 107 см.га тенг бўлган телевизорларни етказиб бериш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида яратилган эликка яқин иш ўрнининг асосий қисми олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари ҳисобидан банд этилди.

Маросимда мазкур моделларнинг

фойдаланиш учун қўл келади. Негаки, унинг ёрдамида мусиқа эшитиш, видео кўриш, ҳатто матнли файлларни ўқиш мумкин. Айни чоғда жонли эфирда бирор кўрсатув ё кинони кўриш имкони бўлмасан, махсус PVR функциясини қўлдан ҳолда, ана шу лавҳа ёки фильмини хотира картасига ёзиб олиб, қулай вақтда томоша қилса бўлади.

Қурилма меносидан ўзбек ва яна 25 тилда фойдаланилади.

Ўз навбатида, уч йиллик кафолат бўйича компаниянинг сервис марказлари орқали хизматлар тақдим этилади.

Истиқболда диод-эриткичли, LED серияли, диагонали 119 см.гача бўлган "Smart TV" ва 3D

функцияли моделларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа амалга ошган, яна 20 та иш ўрни ташкил этилади. Яқин орада бу ерда йилгига 50 мингга телевизор ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Шундай қилиб, "Artel" савдо белгиси остида харидорларга тақдим этилаётган кондиционер, чанголтқич, газ плиталари қаторига яна бир рақобатбардор шахс маҳсулот — замонавий телевизорлар ҳам қўшилди. Йил охирига қадар кир ювиш машиналарини ва музлаткичларни ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган.

Санжон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фестиваль

Наманганда "Халқ томоша санъати ва миллий ўйинлари" кўрик-фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига тайёргарлик дастури доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда номоддий маданий меросни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган истеъдод эгалари ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Халқ томоша санъати кўриги

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида жам бўлган дор-бозлар, полван, кўғир-чоқбоз ҳамда цирк санъати гуруҳлари, лапарчилар, асқиячи ва қизикчилар, рақс ҳамда катта ашула усталари ўз чиқишлари билан муҳлисларни хушнуд этишди. Уларнинг ижрочилиқ маҳоратини баҳолаб борган ҳакамлар ҳайъати миллий халқ ўйинлари бўйича Наманган, Норин туманлари жамоалари, дор-бозлик ва цирк санъати йўналишида Косонсой тумани вакиллари ҳамда "Наманган сехр-гарлари" гуруҳини, қизикчилик ва миниатюра жанрлари бўйича эса Норин тумани санъаткорларини голиб, деб топди.

Энди улар кўрик-фестивалнинг Қорақалпоғистонда ўтказиладиган республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилдилар.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инсонпарварлик акцияси

Жорий йилнинг 10-11 июль кунлари "Соғлом авлод учун" республика халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Корея Республикасининг Ин Ха университети госпитали президенти жаноб Пак Сеунг Рим бошчилигидаги шифокорлар делегацияси Навоий вилоятига ташриф буюрди.

Ҳамкорлик

Кармана туманидаги Маликработ кўрғонида жойлашган "Хан Жин Навоий" меҳмонхонасида ортопед, терапевт, кардиолог, окулист каби корейлик малакали мутахассислар томонидан вилоятда истикомат қилувчи 400 нафарга яқин кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон болалар тиббий куриқдан ўтказилди.

— Мамлакатимизда тиббиёт жадал ривожланмоқда, — дейди Жанубий корейлик кардиолог-шифокор Вуу Сеонг Илл. — Буни ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бирга аҳолини тиббий куриқдан ўтказиш жараёнида янада яққол англадик. Улар бизга катта кўмак берди.

Мазкур делегация вакиллари сафар давомида Бухоро ва Навоий шаҳарлари ҳам саёҳат уюштириб, у ердаги тарихий ёдгорликлар ҳамда истиқлол йилларида қад ростилаган замонавий иншоотлар билан яқиндан танишдилар.

А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳот

Юртимизда амалга оширилётган кенг қамровли ислохотлар натижасида, жумладан, қулай инвестиция муҳити яратилгани санаот корхоналарини модернизациялаш, техник ҳамда технология жиҳатдан янгилаш, шу орқали аҳоли эҳтиёжи учун маҳаллий хом ашёдан рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил учун инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Инвестиция:

Имконият, рағбат, тараққиёт

Ушбу ҳужжат талаблари асосида Сурхондарё вилоятда иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида киритилган инвестициялар самараси бунга яққол мисол бўла олади.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг биринчи чорагида воҳага молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 116,5 миллиард сўмини, марказлашган инвестициялар ҳажми эса 37,5 миллиард сўмини ташкил этди. Хусусан, республика бюджети маблағлари ҳисобидан 3,7 миллиард сўмлик, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан 7,4 миллиард сўмлик ва чет эл инвестициялари ҳамда давлат қаролати остидаги кредитлардан 26,4 миллиард сўмлик сармоялар янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, худуд иқти-

налар билан жиҳозлаш, тармоққа илм-фан ютуқларини татбиқ этиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва самарали қайта ишлаш негизига экспорт салоҳиятининг барқарор ўсишини таъминлаш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш мақсадида умумий қиймати 119,5 миллион долларлик 65 та истиқболли инвестицион лойиҳа рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида унинг 41 таси фойдаланишга топширилиб, 600 та иш ўрни очилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида бу ерда, аввало, енгил санаот тармоғи ривожланиш ўрнига қоқоқлик юз тутиб, санаот соҳаси тараққиётида унинг улуши 50,7 фоиздан 43,8 фоизга тушиб қолганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Ҳақиқатан

Электроника санаоти: Янги русумдаги телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

имкониятлари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

— Телевизорларга дунё стандартларига жавоб берадиган барча зарур функциялар пакети ўрнатилган, — дейди лойиҳа менежери Фахриддин Саидалиев. — Масалан, махсус шовкин пасайтирувчи тизим видеотўлқин суст бўлган ҳолатларда ҳам тасвирини аниқ намойиш этиш имкони беради. Телевизорга ўрнатилган тюнер эса алоҳида мослама харид қилмасдан рақамли телевидение хизматларидан баҳраманд бўлишга замин яратди.

Қолаверса, махсус USB-қурилмаси ТВ-экрандан компьютер сифатида

фунқцияли моделларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа амалга ошган, яна 20 та иш ўрни ташкил этилади. Яқин орада бу ерда йилгига 50 мингга телевизор ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Шундай қилиб, "Artel" савдо белгиси остида харидорларга тақдим этилаётган кондиционер, чанголтқич, газ плиталари қаторига яна бир рақобатбардор шахс маҳсулот — замонавий телевизорлар ҳам қўшилди. Йил охирига қадар кир ювиш машиналарини ва музлаткичларни ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган.

Санжон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҳонасига касб-хунар коллежларини битирган ёшлардан 20 нафари ишга қабул қилинди. Бойсун туманидаги "Умид" кичик корхонасида эса тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Денов туманидаги "Акбар" хусусий фирмасида қурилиш моллари ишлаб чиқариш, Узун туманидаги "Узун ишти-рослаштирилган уй-жой қурилиши" хусусий корхонасида шағал саралаш, Термиз туманидаги "Наврўз наслчилик" қорвачилик мажмуасида 9 турдаги сут маҳсулотлари тайёрлашдек истиқболли лойиҳалар амалга оширилгани ҳам бугун яхши натижаларни бермоқда.

Айни чоғда дастурлар доирасида ҳаётга татбиқ этиладиган лойиҳалар учун ажратилган маблағлардан, айниқса, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, қандолат, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ишлаб чиқариш, иссиқхоналар қуриш ҳамда асаларчилик, паррандачилик ва балиқчилик ҳўжалиқларини ривожлантириш каби йўналишларда унумли фойдаланилаётгани ҳам эътиборга лойик.

Хулоса ўрнида айтганда, Сурхондарё вилояти истиқлол шарофати туйфайли санаоти ривожланган бўлган ҳудудга айланаяпти. Бунда инвестицияларни жалб этиш мумкин аҳамиятга эга бўлаётир. Зеро, улар корхоналарнинг имкониятларини кенгайтириб, меҳнат жамоаларини рағбатлантирган ҳолда, уларни маҳсулотлар туруни кўпайтиришга, тараққиёт сари дадил қадам ташлашга даъват қилимоқда.

Сайдулло ХОЛИҚОВ, Сурхондарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи.

Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қорақалпоғистон Республикаси

Тadbиркор Маҳмуд Қўшбоев Қўнғирот шаҳри марказидаги қаровисз бинони капитал таъмирдан чиқариб, бу ерда аҳолига сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйди.

Хайрли ташаббус

Ушбу хайрли ташаббус рўёби учун молия муассасаси томони-дан 50 миллион сўм микдорда кредит ажратилди. Натижада янги ташкил этилган "Сайёра" хусусий корхонасида 5 нафар ёш доимий даромад манбаига эга бўлди.

Эътиборлики, жорий йилнинг биринчи ярмида Оролбўйида тижорат банклари томонидан тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 98,5 миллиард сўмлик-дан зиёд кредитлар ажратилди.

А. АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси янги бинода иш бошлади. Барча қулайликларга эга мазкур иншоот давлат томонидан ажратилган 9 миллиард сўм микдоридидаги маблаг эвазига барпо этилди.

Барча қулайликлар муҳайё

— 140 ўринли замонавий шифо масканида беморлар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган, — дейди бирлашма бош шифокори Дилором Мардонова. — Хоналар кенг ва ёруғ. Иссиқ ҳамда совуқ сув таъминоти йўлга қўйилган. Бўлимларимиз зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бундай шароитда ишлаш шифокорларимиз учун ҳам мароқли, албатта. Биз давлатимизнинг бу ғамхўрлигига жавобан аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлиғи муҳофазаси йўлида бор куч ҳамда маҳоратимизни ишга солаемиз.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти

Бекобод шаҳридаги "КМК-15" масъулияти чекланган жамияти жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг қўтлуғ байрами олдидан маҳаллий йўлсозлар ва бинокорларнинг қурилиш-ободонлаштириш ишларига яқиндан кўмак бераяпти.

Қурувчиларга кўмак

Бу борада корхонада тижорат банкининг молиявий мадади билан 657 миллион сўмлик янги бизнес лойиҳа рўёбга чиқарилгани айни мuddао бўлди. Унга асосан, жамиятга Хитойнинг "Yili Yongxiang Mechanical Equipment Co Ltd" компаниясидан технологиялар келтириб ўрнатилди. Айни пайтда илгор ускуналар ёрдамида майдаланган қўм-шағал ашёлари пешма-пеш қурилиш объекти-ларига етказилмоқда.

Умуман, шаҳарда жорий йилги худудий инвестиция дастурида худди шундай лойиҳаларни молиялаштириш учун 7 миллиард сўмдан кўпроқ маблаг ажратилиши белгиланган бўлиб, ҳозиргача унинг асосий қисми мақсадли йўналтирилди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қашқадарё

Шаҳрисабз туманидаги "Комфорт Барака Люкс" масъулияти чекланган жамиятида салқин ичимликлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Экологик тоза маҳсулот

Лойиҳа қиймати 700 миллион сўмлик бўлган ушбу корхонага Хитой, Польша ва Украина давлатларидан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир бу ерда "Perfekt" савдо белгиси остида соатига ўндан ортик турда-ги 2 минг донча чанқовбосди ичимликлар тайёрланмоқда. Корхона-нинг 20 кишилик жамоаси даст-лабки бир миллион донга яқин маҳсулотини савдо шохобчалари-га чиқариб улгурди.

Таъкидлаш керакки, жорий йил-нинг биринчи чорагида вилоятда ишлаб чиқариш соҳасида 88 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, шундан 68 таси озик-овқат санао-ти хиссасига тўғри келди.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Агарки мендан
ҳақиқий қахрамонлик
намунаси нима, деб сўраганда,
хоразмлик оддий деҳқоннинг
ҳар кунлик меҳнати — қахрамонлик,
деб жавоб берган бўлур эдим.

Ислом КАРИМОВ

Водийларнинг яёв кезганда...



Мустақиллик —
менинг тақдиримда

Мана, 21 йилдирки, халқимиз
мустақиллик неъматларидан баҳраманд
бўлиб яшмоқда. Утган йиллар давмида
Президентимиз раҳнамолигида эришган ва
эришаётган ютуқларимиз ниҳоятда
залворли.

Ўзликни англаш бахти

Одатда, инсон ҳаётда
хисоб-китоб билан яшайди.
Вақти-вақти билан ортига,
босиб ўтган йўлга разм солиб,
амалга оширган ишлари, режа-
лари, эришган ютуқлари,
орзу-умидлари — барчасини
сарҳисоб қилади. Шу нуқтаи
назардан, мен ҳам кўтуғ айём
арафасида босиб ўтган йўлимизни
ўзимча кўнглимдан ўтказдим.
Дарҳақиқат, ким эдигу ким бўл-
дик? Авваламбор, биз мустақил
яшаш илминини эгалладик.
Ўз йўлимизни танлаб, ягона
мақсад сари жипсладик.
Ҳаётга қарашимиз, фикр-
лашимиз ўзгарди. Бугунимиз
ва эртанги кунимизга ашончимиз
ортди. Қалбларимизда шу азиз
Ватанга, унинг истиқболига дахлдорлик
ҳисси пайдо бўлди.

Бига корхонамизни кенгай-
тирдик. Натихада ишчи-ходимларимиз
40 нафарга етди. Ҳозир корхонамиз
ишчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи
450 — 500 миң сўмини ташкил
қилаяпти. Бултур 1 миллиард
сўмликка яқин замонавий ме-
беллар ишлаб чиқариб, харидорларга
етказдик.

Президентимизга раҳмат!
Биз, тадбиркорларни ҳам-
иша қўллаб-қувватлаб, кўп им-
тиёзлар, имкониятлар яратиб
бермоқдалар. Тадбиркор си-
фатида мамлакатимизда ушбу
соҳани ривожлантириш йўли-
да қабул қилинаётган Фармон
ва қарорлардан бағоят миннатдор-
ман. Биргина ортиқча текшириш-
ларни қисқартириш борасидаги
имтиёзлар бизни жуда хурсанд
қилди.

Айтмоқчиманки, истиқ-
лол ҳар кимга ўзлигини
англаш бахтини берди.
“Халол меҳнат қил, меҳнат-
тинга яраша яша. Бошқалар
ҳам меҳнатингдан рўшнолик
кўрсин” — ғамиятимизнинг
ҳар бир фужароси ана шундай
эркка, ўз қадр-қимматига,
халол меҳнати билан жамият
ривожига ҳисса қўшиш им-
кониятига эга бўлди. Бугун
ҳар биримизда шижоат,
ташаббус, интилиш бор.
Бу юксак туйғулар эса бизни
фидоийлик билан меҳнат
қилишга чорлайверади.

Муроджон ВАИСОВ,
“МегаСфера” қўшма
корхонаси раҳбари.



Машҳур халқ кўшиғида “Ёт элларнинг
боғи билан боғчаси Хоразмнинг
янтоғича кўринмас” деб куйланганидек,
Хоразм воҳаси, Хоразм аҳли ўзининг
бой тарихи, покиза қалби, бетакрор
табиати, ўзига хос, ўзига мос
фазилатлари, гурури, қадди-қома-
ти,

виқор ва салобати билан ажралиб
туради.

Мамлакатимизнинг барча худудла-
рида бўлганидек, Хоразм воҳасида
ҳам истиқлол йилларида катта бунёд-
корлик ишлари амалга оширилди.
Сезгандирсиз, бугунги саҳифамизда

Хоразм вилояти

ва унинг ўзига хос хусусиятлари, санъат ва хунармандчилик ҳадисини олган
меҳнаткаш, мард ва фидоий одамлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ватанимиз кўрки ва нодир мулки бўлиб
қолган қадимий ёдгорликлар орасида
Хоразм минораларининг алоҳида ўрни бор.

Дунёдаги НОЁБ МИНОРА

Маълумки, қадимда Буюк
Ипак йўли бўйлаб ўтайдиган
карвонлар учун кўналға ва сув
манбалари бўлмиш сар-
добаларни белгилаш учун
миноралар қурилган. Кейинчалик
миноралардан азон айтиб, кишиларни
намозга чорлаш учун ҳам
фойдаланила бошланган.
Шунинг учун ҳар бир мас-
жид ёки мадраса ёнида,
албатта, минора бунёд
қўлланилган. Миноралар ша-
ҳарларнинг безаги, кўрки-
савлати ҳам ҳисобланган.

рага тушган инсоляция
(қуёш нурунинг тушиши ва
синиши)га қарайдиган
бўлса, ундаги қошинлар-
нинг ранги қанча вақт ўтган
бўлса ҳам ўзгармаган.
Худди янгидек сақланиб
турибди. Бу ерда кўпроқ оқ,
қизил ранглардан фойда-
ланилган. Ундаги ахлитлик,
уйғунлик тўлиқ сақланган.
Минорада, асосан, геомет-
рик нақшлар (гирех) кўп
қўлланилган. Унга мадраса-
нинг иккинчи қаватидан
ёғоч зинапоё оқалти чиқ-
лади. Обиданинг устки
қисми 1997 йили Хива шаҳ-
рининг 2500 йиллик
тўйи арафасида қайта
таъмирдан чиқарилди.
Огаҳий томонидан фор-
сий тилда битилган
ёзув аслига қўйилди.
Унинг матни кўнглини
хурсанд қилдиган ми-
норани олий бунёд этилди.
Унинг монандини ҳали
фа-
лак кўзи кўрмаган эди.
Шони оламнинг амрлари
билан бўлди. У томони айб
ва нуқсонлардан пок. Агар
одил кўз билан қаралса,
сарв дарахти худди хашак-
ка ўхшаб қолади. Тубо да-
рахтидан ҳам дил очидиган
роқ бўлди. Унинг чиройли
кўриниши Ер юзини ва ос-
монни худди жаннатга
ўхшатиб юборди. Осмон-
нинг гардунига бир устун
эдди, унинг васфига ақл-
идрок камлик қилади. Шу
сабабдан Огаҳий унинг
қурилиш йилини ёзди. Ин-
тихоси йўқ фалак устунини
1271 ҳижрий, 1855 мелодий
йилда қурилди.

Минора қурилиши тугал-
ланмаган бўлса-да, шу
холоғида ҳам чиройли ва
маҳобатлидир. Уни халқи-
миз “Ули минор”, “Кўк ми-
нор”, деб беҳиз эъзозла-
майд.

Мақсудбек АБДУРАУЛОВ,
Хивадаги «Ичан-Қаль»
давлат музей-қўриқхонаси
ахборот маркази бошлиғи.

МЕРСОС

Маълумотларга кўра,
қадимда Хива шаҳрининг
ўзига 80 га яқин минора
бўлган. Бугунга келиб, улар-
нинг 15 таси қадимий
кентга салобат ва улғивор-
лик бағишлаб турибди.

Жоме масжиди, Ислом-
хўжа, Бикажон бика, Тўра-
мурод тўра, Полвон қўрий,
Абдол бобо ва бошқа ми-
норалар шулар жумласи-
дандир. Булар орасида
қурилиши ниҳоятда ет-
қилиш қолган Муҳаммад
Аминхон минораси ўз
меъморий ечими жиҳатдан
дунёда ягона бўлиб, безак-
ларининг нафислиги, хаша-
мати, геометрик уйғунлиги
билан кишини ҳайратга
солади.

1851 — 1855 йилларда
Муҳаммад Аминхон топи-
ригадаги биноан, Уста Абду-
лла жин томонидан ишлан-
ган минора қурилиши маъ-
лум сабабларга кўра тугал-
ланмай қолган. Шундай
бўлса-да, унга шoirлар
“Фалак айвонига қўйилган
устундек”, деб таъриф
беришади.

Бу минора кесик конус
шаклида бўлиб, пойдевори
14,5, баландлиги 26 метр-
ни ташкил этади. Динамик
қисқаришга қараб ҳулоса
қилинса, битганидан сўнг
унинг баландлиги 100 метр-
га етиши, Урта Осиёда энг
катта ва баланд минора
бўлиши мумкин эди. Мино-

келтирилди. Унинг матни
қуйидагича: “Инсон кўнгли-
ни хурсанд қилдиган ми-
норани олий бунёд этилди.
Унинг монандини ҳали
фа-
лак кўзи кўрмаган эди.
Шони оламнинг амрлари
билан бўлди. У томони айб
ва нуқсонлардан пок. Агар
одил кўз билан қаралса,
сарв дарахти худди хашак-
ка ўхшаб қолади. Тубо да-
рахтидан ҳам дил очидиган
роқ бўлди. Унинг чиройли
кўриниши Ер юзини ва ос-
монни худди жаннатга
ўхшатиб юборди. Осмон-
нинг гардунига бир устун
эдди, унинг васфига ақл-
идрок камлик қилади. Шу
сабабдан Огаҳий унинг
қурилиш йилини ёзди. Ин-
тихоси йўқ фалак устунини
1271 ҳижрий, 1855 мелодий
йилда қурилди.

Минора қурилиши тугал-
ланмаган бўлса-да, шу
холоғида ҳам чиройли ва
маҳобатлидир. Уни халқи-
миз “Ули минор”, “Кўк ми-
нор”, деб беҳиз эъзозла-
майд.

Мақсудбек АБДУРАУЛОВ,
Хивадаги «Ичан-Қаль»
давлат музей-қўриқхонаси
ахборот маркази бошлиғи.

Табиатнинг сир-синаотлари, мўжизалари
кўп. Инсоният яратилдики, уларга жавоб
излайди, моҳиятини қидиради.
Воҳанинг чекка худудларидан бири — “Туп-
роққалъа” мавзеидаги “Уч ўчоқ” тепалиқлари
ҳам узоқ асрлардан бери кишиларни ҳайратга
солиб келади.

Воҳа «пирамида»лари

“Амударё бўйидаги Миср эҳромла-
рини эслатувчи “Уч ўчоқ” қачон пай-
до бўлган?” деган савол эса ҳамон
жумбоқ. 2000 йилнинг август ойида
Халқоролтин мерос жамғармаси
тепалиқларга кичик илмий экспеди-
ция уюштириб, обдан
ўрганиб чиқди. Улар
Урганч шаҳридан 240,
Питнак шаҳарчасидан
140 километр узоқликда жойлашган.
Учта тепалиқнинг кўриниши ҳам,
баландлиги ҳам, устки сатҳи ҳам бир
хил. Ҳар бирининг баландлиги
80 метрдан ортиқ. Устки қисми
Фарбдан Шарққа қараб 32 метрга
чўзилган. Уларнинг Шимоли-шарқий
томони тоғ жинслари билан қоплан-
ган ясси баландликдан иборат бўлиб,
ёнида улкан табиий ҳавза мавжуд.
У анча чуқур бўлиб, 1000 гектарча
майдонни эгаллаган. Қачонлардир
бу улкан “тоғора” сув билан тўла бўлган.
Оҳақтош излари қолган қирғоқ де-

ворлари тахминан 40-45 метрча
келади.

Пастдан қаралса, учта тепалиқ
янада жозибали кўринади. Оёқ
остидида оқ рангли тупроқ худди туг-
га ўхшайди. Бу ерда бемалол юриш
ҳавфли, негаки, ёни-
атрофда 40-50 метр-
лик жарлар бор.

Бу “пирамида”лар
ҳақида одамлар ўртасида турли хил
афсоналар, ривоятлар юради. Тепа-
лиқлар инсон қўли билан яратилган,
деган тахминлар ҳам йўқ эмас.
“Уч ўчоқ” тепалиқлари қадимда
оловхона ёки хавф-хатар калаётган-
лигини билдирувчи алоҳида жой
бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқ,
дейишади олимлар. Нима бўлганда
ҳам, улар табиатнинг бетакрор
мўжизасидир.

Мадрид ОТАХОНОВ,
республика Халқ таълими аълоҳиси,
меҳнат фаҳрийси.

Мўжиза

Фермер хўжалиги раҳбари Оди-
бек Юсуповни дала бошида учрат-
дик. Ёш, авжи куч-ғайратга тўлган
йигит.

— Киш қаттиқ келгани учун деҳ-
қончилигимиздан хавотирланганим,
— дейди у. — Йўқ, ғалла хосили ҳар
йилгидан-да яхши бўлди. Юринглар,
сизларни отам билан учраштираман,
хўжалигимиз ишларини мендан кўра
у киши яхшироқ биладилар...

Дала шийпони янгидан қуришиб-
ди. “Ахир одамлардан иш талаб
қилиш учун аввал уларнинг шароити-
ни тўғрилаб қўйишимиз керак-
да”, дейди фермер. Атроф боғ.
Мевали дарахтлар шигил
ҳосилга кирган. Ҳовуз сувга
тўла. Хоналар шинам, ораста.

Сафо ота Юсупов 80 ёш
қаршилаётган бўлса-да, кўринишидан
ҳали тетик. Биздан ҳол-аҳвол сўрагач,
ўғлидан бугун бажарилган ишларни
сўрашди. Гап орасида сўради:
— Тракторнинг овози тингандай
бўлди, тинчликми?

— Хавотирланманг, ҳаммаси
жойида, — жавоб берди ўғли.
Отaxon билан суҳбатимиз қизиқ
кетди.

— Ўғилжон момонгиз билан 13 на-
фар фарзандни воғга етказдик,
— деди у. — 44 йил шофёрлик қил-
сам-да, биримиз икки бўлмадик.
Мана, мустақиллик шарофати туфай-
ли фермер бўлиб, унинг роҳатини
кўраёпмиз.

Дастлаб фермер хўжалиги учун 50
бош қўй, 11 бош қорамол сотиб
олишди. Уларга икки гектар экин
майдони ажратилди. Меҳнатлари ор-
қасидан хўжалик йил сайин кенга-
йиб бораверди. Ҳозирги кунга
келиб, қўй-эчкилар сони 500 тага,
қорамоллар сони эса 100 бошга
кўпайди. Экин майдони 47 гектарга

Саодатманд оила

етди. Ўтган йили фермер хўжалиги-
нинг ялпи даромади 110 миллион
сўмини ташкил этди.

Даромадга яраша буромад, дейди-
лар. Ҳозир фермер хўжалиги ихтиё-
рида 5 та трактор ва бошқа техника-
лар бор. Албатта, булар — фермер-
нинг қаноти. Уларсиз бирор натижа-
га эришиш қийин.

Ота оилада фермерлик ҳаракати
йўлга қўйилган, меҳнатлари орқаси-
дан рўшнолик кўришганини, орзу-

бўш вақтларида хўжалик ишларига
қўмақлашади. Болаларни назорат-
сиз қолдирмайман.

Суҳбатимиз шу ерга етганда,
Одилбек олдимишга ўғилларини бош-
лаб келди.

— Каттаси Хурсандбек бу йил
қишлоқ хўжалик касб-хунар колле-
жига ҳужжат топширди. Хурмат,
Иззат — мактаб ўқувчилари, — дея
ўғилларини таништирди Одилбек. —
Қани, амакиларинг билан сўра-
шинглар-чи...

— Фарзандларингизга чи-
ройли исмлар қўйибсиз, —
дедик ўғилларига қўй узоқ
туриб. — Фарзандга яхши исм
бериш ҳам бир фазилат...

Сафо ота гапимизни маъқуллади.
— Барча набираларимга ўзим исм
қўйганман. Булар ҳам хурсандчилик-
да, хурматда, иззатда юришсин, дей-
ман-да, — дейди ота кувониб.

— Қишлоқ хўжалик касб-хунар колле-
жида ўқимокчиман, — дейди Хур-
сандбек. — Мен ҳам отамга ўхшаб
фермер бўламан.

— Отам бизнинг энг яқин мас-
лаҳатгүйимиз, сўянч тоғимиз, —
дейди Одилбек. — Ҳар бир ишни у
киши билан кенгашиб қиламиз. Бул-
тур янги ферма қўрдик. Бу йил эса
сўтни қайта ишлайдиган цех очиш
ҳаракатидамиз.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

умидлари рўйбга чиққанини тўқин-
лангаб гапирди. Фермерликдан
келган даромад ҳисобига бир эмас,
3 та янги уй қуришди. Фарзандла-
рини ўқитиб, олий маълумотли
қилишди. Яқинда эса “Ласетти” ру-
сумли энгил машина сотиб
олишди.

Фермер хўжалиги аъзолари хайр-
саховат ишларидан ҳам четда қо-
лашаётгани йўқ. Хусусан, бу йил кам
таъминланган оилаларнинг иккитаси-
га қорамол ҳада қилишди.

— Худого шукр, болаларим меҳнат-
дан бўйин товлашмайди, — дейди
ота фахрланиб, — 35 нафар неварам
бор. Уларнинг ҳам ўқишини, ишнинг
сўраб-суриштириб тураман. Ўқишдан

Фермер хўжалигидан қайтар эканмиз,
яратилаётган имкониятлардан са-
марали фойдаланиб, тадбиркорлик билан иш
тутиб, обрў-эътибор қозониб
яшаётган, фарзандларининг орзу-умидларини
рўйбга чиқараётган бу оилага
чин дилдан ҳавасимиз келди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Хоразмда ёши юздан ошган 129 нафар
нуроний яшайди. Уларнинг 16 нафари пири
бадавлат отaxonлар бўлса, 113 нафари меҳри-
дарё онахонлардир. Гурланлик Шуқуржон момо
Ибрагимова яқинда 107 ёшни қаршилади.

Пири бадавлатлик зиёси

Фарзандлари, неварачеваралари атрофида парво-
на. Кайфияти яхши, саломатлиги жойида, турмуши
биноийдек. Онахон ҳалол меҳнат қилиб, эл дуосини
олганлардан.

— Умрим меҳнатда ўтди, — дейди у. — Кеча-кундуз
пахта даласидан бери келмасдик. Ариқ қазилгани,
ер ағдарилгани, ғалла ўришгани, пахта теришгани, хуллас,
қилмаган ишимиз қолмаган. Яратганга шукр! Мустақил
юртда яшаш бахтига эришдик. Оғир кунлар ортда қолди.
Инсон қадри баланд, фаровон кунларга етишдик. Кек-
салар хурмат-иззатда. Ёшларимиз кўлини қаерга узат-
са, етади. Улар шу кунларнинг қадрига етиб, ўқиб, ўрга-
ниб, изланиб меҳнат қилинса, бас. Кам бўлишмайди.
Халқимиз меҳр-оқибатли, бағрикенг, меҳнаткаш. Шу са-
баб Ватанимиз тобора гуллаб-яшнапти. Шаҳару қиш-
лоқларимиз обод бўлиб, чирой очаяпти...
Онахон хайрлашишдан олдин узоқ дуо қилдилар:

— Илоҳим, юртимизда
тинчлик бўлсин, барча хо-
надонлар бугўйига тўлсин.
Халқимизни тўғри йўлга
бошлаётган, бизларга яхши
турмуш яратиб бераётган,
меҳр-муруват кўрсатаёт-
ган Юртбошимиз омон
бўлсинлар! Куч-ғайратли,
инсоф-диёнатли, оқибатли
яхшиларнинг умрига умр
қўйилсин. Фарзандларимиз
бугунгидан ҳам бахтиёр
яшасинлар! Юртимизда
тўйлар тўйларга янсин.
Мустақиллигимиз янада
мустаҳкамлансин. Гўзал
ҳаётимизни ёмон кўзлардан
Яратганинг ўзи асрасин!

Табаррук ёшдаги момомиз,
мўтабар инсоннинг дуолари,
албатта, ижобат бўлажак.
Дилнавоз ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Ўзбекистон Миллий
университети журналистика
факультети талабаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нуسخада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтариқмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда оператор Ж. Тоғаев
томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси